

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Аму-Бухоро машина каналидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

Р.М.Останов

» 2022 йил



ТЕХНИК ШАРТ

**“Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш
технологияларини яратиш ҳамда шўр ювиш
муддатлари ва меъёrlарини илмий асослаш”**

мавзусидаги илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик иши

«Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш технологияларини яратиш ҳамда шўр ювиш муддатлари ва меъёrlарини илмий асослаш» мавзусида амалий тадқиқот ишини бажариш бўйича

ТАҚВИМИЙ РЕЖА

| № | Босқичлар номланиши | Босқичлар қиймати м. сўм | Ишларни бажариш муддатлари | | Бажарувчилар Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси |
|-----|--|--------------------------------|----------------------------------|----------|---|
| | | | бошланиши | тугаши | |
| I | Мавзу бўйича бажариладиган ишлар билан танишиш ва таҳлил килиш. Тажриба даласини танлаш ҳамда тупроқ механик таркиби, сув-физик хоссаларини аниклаш. I «Биосольвент» бирикмасини кўллаб, шўр ювиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибаларини ўтказишга тажриба участкасини тайёрлаш ҳамда шўр ювиш ишларини олиб бориш. | - | 03.01.22 | 30.03.22 | қ.х.ф.д., проф. М.Хамидов, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. К.Хамраев, қ.х.ф.д., в.б. проф. У.Жўраев, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. З.Қодиров, асс. Л.Исаева, ст. ўқт. Ф.Шарифов, ст. ўқт. Р.Темиров |
| II | Агротехник тадбирларни амалга ошириш. Ёзга етиштиришда «Сперсаль» мелиорантини кўллаб, «шўр юувучи сугориш тартиби»ни ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибаларини ўтказиш. | 35 770 | 01.04.22 | 30.06.22 | қ.х.ф.д., проф. М.Хамидов, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. К.Хамраев, қ.х.ф.д., в.б. проф. У.Жўраев, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. З.Қодиров, асс. Л.Исаева, ст. ўқт. Ф.Шарифов, ст. ўқт. Р.Темиров |
| III | Ёзга етиштиришда «Сперсаль» бирикмасини кўллаб, «шўр юувучи сугориш тартиби»ни ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибаларини ўтказиш. Олинган маълумотларни таҳлил килиш. | 49 160 | 01.07.22 | 30.09.22 | қ.х.ф.д., проф. М.Хамидов, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. К.Хамраев, қ.х.ф.д., в.б. проф. У.Жўраев, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. З.Қодиров, асс. Л.Исаева, ст. ўқт. Ф.Шарифов, ст. ўқт. Р.Темиров |
| IV | Вегетациядан сўнг лабораторияда ўрта ва кучли даражада шўрланган тупроклар намуналарида маҳсус идиш (сосуд) ларда Биосольвент бирикмасини қўллаш меъёrlарини аниклаш Олинган маълумотлар таҳлили асосида йиллик хисоботни тайёрлаш. Илмий натижалар юзасидан хulosалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Маколалар нашр этиш. | 35 070 | 01.10.22 | 15.12.22 | қ.х.ф.д., проф. М.Хамидов, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. К.Хамраев, қ.х.ф.д., в.б. проф. У.Жўраев, қ.х.ф.ф.д., в.б. доц. З.Қодиров, асс. Л.Исаева, ст. ўқт. Ф.Шарифов, ст. ўқт. Р.Темиров |



Маъсул ходим:
Текнирди:

С.Маликов
А.Жўраев

«Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш технологияларини яратиш ҳамда шўр ювиш муддатлари ва меъёрларини илмий асослаш» мавзусида тадқиқот иши олиб боришни мақсадга мувофикалигининг

ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ АСОСНОМАСИ

1. Мавзунинг долзарблиги:

Республикамида кейинги йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши бунинг далилидир.

Шунга қарамай, сувни тежайдиган сугориш ва лазерли ер текислаш технологиялари жорий қилинган майдонларда ерларни шўр ювишга тайёrlаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш юзасидан хорижий тажрибаларни ўрганиш, янги илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш соҳа талабларидан орта қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ерларнинг шўрини ювиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий килиш ҳамда шўр ювиш ишларини такомиллаштириш максадида 2021 йил 8 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 190-сонли “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорида маълум вазифалар белгиланган. Бухоро вилоятининг шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроклари шароитида ғўза етиштиришда «Сперсаль» мелиорантини қўллаш орқали, «шўр юувучи сугориш тартиби»ни ва Биосольвент бирикмасини далада ҳамда лаборатория шароитида қўллаш орқали, инновацион шўр ювиш технологиясини ишлаб чиқиши натижасида тупроқда туз тўпланишини камайтириш, шўр ювишда сув ресурсларини тежаш ҳамда ғўздан юқори ва сифатли ҳосил олиш ушбу вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қиласди.

2. Ишнинг мақсад ва вазифалари.

Тадқиқотларнинг мақсади: Бухоро вилоятининг лазер ускунали ер текислагичлар билан текисланган, ўтлоқи аллювиал, шўрланган, механик таркибига кўра ўрта кумок тупроклари шароитида ғўза етиштиришда «Сперсаль» мелиорантини қўллаб, «шўр юувучи сугориш тартиби»ни ва Биосольвент бирикмасини тажриба майдонида кучсиз шўрланган тупрокларда турли меъёрларда ҳамда лаборатория шароитида маҳсус идиш (сосуд) ларда ўрта ва кучли даражада шўрланган тупрокларда турли хил меъёрларда қўллаб, сув тежамкор шўр ювиш технологиясини яратиш ҳамда шўр ювиш муддатлари ва меъёрларини илмий асослаш бўйича илмий хulosалар асосида аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба даласининг тупроқ шароитлари (тури, механик таркиби ва сув-физик хоссалари) ни аниқлаш;

вегетация даврида сугоришдан олдин тупроққа «Сперсаль» мелиорантини қўллаб, «шўр юувучи сугориш тартиби»ни қўллаш;

«Сперсаль» биологик бирикмасини қўллаб, ғўзани «шўр юувучи сугориш тартиби»ни тупроқнинг туз режимига таъсирини баҳолаш;

«Сперсаль» биологик бирикмасини қўллаб, ғўзани «шўр юувучи сугориш тартиби»ни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

тажриба даласида кучсиз даражада шўрланган тупрок шўрини Биосольвент бирикмаси асосида ювиш технологиясини ишлаб чиқиши ҳамда Биосольвент бирикмасини қўллаш меъёрларини, шўр ювиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш;

лаборатория шароитида ўрта ва кучли даражада шўрланган тупроқлар шароитида Биосольвент бирикмасини қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиши;

«Сперсаль» биологик бирикмасини қўллаб, ғўзани «шўр юувчи сугориш тартиби» ва тупрок шўрини Биосольвент бирикмаси асосида ювилган даланинг сув ва туз балансини аниқлаш;

«Сперсаль» мелиорантини қўллаб, ғўзани «шўр юувчи сугориш тартиби» ва тупрок шўрини «Биосольвент» биологик бирикмаси асосида ювишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш технологияларини яратиш ҳамда шўр ювиш муддатлари ва меъёрларини илмий асослаш бўйича аник тавсиялар ишлаб чиқиши.

3. Асосий техник-иктисодий қўрсаткичлар:

«Сперсаль» бирикмасини қўллаб, ишлаб чиқилган ғўзани «шўр юувчи сугориш тартиби» ҳамда «Биосольвент» биологик бирикмасини қўллаш орқали ишлаб чиқилган сув тежамкор шўр ювиш технологиясини жорий этиши натижасида вегетация даврида тупроқда тузларнинг реставрациясини камайиши, тупроқдаги тузларнинг сифатли ювилиши муносабати билан мақбул мелиоратив режимни таъминланиши ғўзанинг ҳосилдорлигини 25-30 фоизга ошишига ва бир мавсумда дарё сувларини 35 фоизгача иқтисод килиш имконини яратади.

4. Жорий қилинадиган обьект ва эришиладиган натижалар:

Ишлаб чиқилган сув тежамкор технология Бухоро вилоятининг лазер ускунали ер текислагичлар билан текисланган, ўтлоқи-аллювиал, турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида жорий этилади ҳамда:

-вегетация даврида «Сперсаль» мелиорантини қўллаб, мақбул мелиоратив режимни таъминловчи илмий асосланган «шўр юувчи сугориш тартиби» ғўза вегетацияси даврида тупроқдаги туз тўпланишини камайтиради ҳамда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул мелиоратив режим таъминланади;

-новегетация даврида тупрок шўрини ювишда «Биосольвент» биологик бирикмасини тупрок шўрланиши даражасиги мос мақбул меъёрларда қўллаш орқали шўр ювиш самарадорлигининг ошишига эришилади.

Натижада, бир мавсумда сугориш ва шўр ювишга сарфланадиган сув ресурслари 35 фоизгача иқтисод қилинади, тупрок тузларининг сифатли ювилиши ва вегетация давридаги мақбул яратилган мелиоратив режим ҳисобига ғўзанинг ҳосилдорлиги 25-30 фоизга ошади.

5. Тарғибот усули:

Илмий-тадқиқот ишлари натижалари нуфузли халқаро журналларда, илмий-амалий анжуманларда ва ЎзР ОАК рўйхатига киритилган илмий журналларда ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналлар, конференцияларда нашр этилади.